

ВИРТУАЛ ДУНЁҚАРАШ ВА УНИНГ ИЖТИМОЙ МАКОНДА НАМОЁН БЎЛИШИ

Хайдаров Хуррам Фармонович

Тошкент Педиатрия Тиббиёт Институти
“Педагогик, психология ва ижтимоий фанлар”
кафедраси профессори, фалсафа фанлари доктори
+998946793273

Хайдарова Ақида Хуррам кизи

Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази
“Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси. Фуқаролик жамияти” курси доценти,
фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
E-mail: aqi_93@bk.ru Тел: (97) 449 07 04

Аннотация:Инсоният ўз тараққиёти давомида объектив ва субъектив воқеаларни билиш, улар билан ўзаро алоқага киришиш ва барча жараёнларни бошқаришга доим интилган. Республикамизда ташкил этилган виртуал қабулхоналар аҳолининг энг долзарб муаммоларини ҳал этиш имконини берувчи, давлат ҳокимияти ва бошқаруви, барча даражадаги ҳокимиятлар билан фуқаролар ўртасидаги ҳамкорликнинг фойдали механизмига айланди. Мақолада виртуал реаллик технологиялари ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида фойдали иш коэффицентини кўтариш воситаси эканлиги.

Калит сўзлар: виртуал дунёқараш, ижтимоий макон, техноген тараққиёт, рақамли технологиялар.

КИРИШ. Жамиятни виртуаллаштиришга оид замонавий тадқиқотларда Д.В.Иванов концепцияси монополлаштирилади. Унинг фикрича, виртуализациянинг ижтимоий мазмуни жамиятнинг институционал тузилмаси ҳақиқатини алмаштириш техник мазмунга нисбатан бирламчи ҳисобланади. Ҳақиқатни алмаштириш, ҳодисасининг умумий ғояси бизга қуйидаги социологик ёндашувни ишлаб чиқишга имкон беради: «Жамиятни виртуаллаштирадиган ҳаётни компьютерлаштириш эмас, балки жамиятни виртуаллаштириш ҳаётни компьютерлаштиради». «XX аср охирида янги компьютер маданияти пайдо бўлишига эришилди» [1]. Компьютер маданияти, виртуал технологиялар дунёқараш асосини ташкил этувчи асосий фалсафий категориялар нисбатини ўзгартириб юборди, десак адашмаймиз. Виртуал реаллик технологиялари замонавий инсон кундалик ҳаётининг муҳим қисмига айланиб улгурди. «Инсоният ўз тараққиёти давомида объектив ва субъектив воқеаларни билиш, улар билан ўзаро алоқага киришиш ва барча жараёнларни бошқаришга доим интилган. Шунинг учун тараққиётга эришишга интилар эканмиз, рақамли замонавий ахборот технологияларини эгаллашимиз зарур ва шарт. Бу бизга юксалишнинг энг қисқа йўлидан бориш имкониятини беради. Зеро, бугун дунёда барча соҳаларга ахборот технологиялари чуқур кириб бормоқда» [2]. Буларнинг барчаси инсоннинг керакли маълумотларни излаш ва қўллаш қобилияти билан боғлиқ. Н.М.Ротшильднинг «Ахборот кимга тегишли бўлса, у дунёга эгалик қилади» деган сўзлари бунинг исботи. Ҳақиқатан ҳам ахборот олами бепоён, уни забт этиш дунёни забт этиш билан баробар. Ўзгаришлар қандай бўлмасин замонавий ахборот ёрдамида яшин тезлигида содир бўлмоқда. Бугун ахборот сўнги коммуникация воситалари ёрдамида юқумли касалликлардан ҳам тезроқ оммага етиб бормоқда. Виртуал оламдаги ахборотлар чексиз ва бепоён. Жамиятда компьютер кириб бормаган ҳеч қандай соҳа қолмади. Интернет кундалик ҳаётимизнинг бир бўлаги, тобора кўпайиб борувчи энг чаққон ахборот воситасига айланган манбадир. Замонавий жамиятда сунъий равишда яратилган муҳит имкониятларисиз цивилизация ривожланишни тушуниб бўлмайди. Мазкур ҳолат ақлга сиғмайдиган бўлиб туюлиши табиий, албатта. Сабаби, ушбу муҳит ҳаёт сифатини мақсадга мувофиқ шаклланишини белгилайди.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ. Яқин-яқингача тарих ахборотни излашга интилар эди. Ҳозирда эса муаммо ахборотни бошқаришдан иборат. Ким ахборотни ажратишга, таҳлил қилиш ва ундан тегишли фойдаланишга қодир бўлса, касбий, молиявий, сиёсий ва ижтимоий томондан устунликка эга бўлади. Мазкур ҳолат инсон ҳаёт тарзининг деярли барча соҳалари тубдан янгиланишига сабаб бўлди. Юзага келган вазиятнинг қатор муаммолари пайдо бўлди, улар қуйидагиларда акс эта бошлади:

биринчидан, маълумотлар оқими дискрет даражадан узлуксиз даражага ўзгарди. Натижада, чегарасиз маълумотлар базаси пайдо бўлди[3]. Яъни, биз учун макон ва замон бирлигидаги вақт чегаралангани яна ўз исботини топди;

иккинчидан, маълумотни текшириш имконияти деярли йўқолди. Бугунги кунда қаердан тўғри ва қаердан ёлғон маълумот келаётганини ҳар доим ҳам аниқлаш мумкин бўлмай қолди. Бу эса, ўз навбатида, нафақат ёшларимиз, балки аҳолининг барча ёш қатламидаги инсонлар онги ва руҳиятига кучли таъсир этиши мумкин бўлган зарарли информациялар келишига сабаб бўлди;

учинчидан, инсонлараро алоқа ҳолатида ўзгаришлар юз берди. Бу, ўз навбатида, ижтимоий ўзгаришларни келтириб чиқарди [4]. «Жамият» тушунчаси аста-секинлик билан «виртуал жамият» тушунчаси билан параллел бўлиб қолмоқда. «Замонавий дунёда юз бераётган чуқур ижтимоий ўзгаришлар янги виртуал реалликни шакллантирди. Ташқи дунёнинг бир қисми сифатида ижтимоий воқелик объектив воқеликнинг хусусиятига эга. Шунинг учун уни ўрганиш хиссий ғояларимиз ва иллюзияларимизда бизга қандай берилганлигини англаш билан эмас, балки унга хос бўлган ва инсон онгидан ташқарида ва ундан мустақил равишда мавжуд бўлган хусусиятларни билиш асосида олиб борилиши керак. Реаллик вужудга келиши мумкин бўлган, мавжуд ва ўткинчи бўлган барча нарсаларга тегишли»[5].

НАТИЖАЛАР. Виртуал реаллик – технология ва маданиятнинг ноёб симбиози. Физик қонунлар билан чекланмаган бу реалликни ўзлаштириш ривожланишнинг мисли кўрилмаган истиқболларини ваъда қилади. Аммо виртуал реалликдан ноўрин фойдаланиш салбий оқибатларга олиб келади. Инсон онгини манипуляция қилиш ва виртуал ҳаётга киришиш одатдаги фаол ҳаётнинг ўрнини эгаллаши мумкин. Виртуал реаллик имкониятларидан жамиятнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий соҳаларда ҳам фаол фойдаланила бошланди. Ахборот-коммуникация технологиялари ҳар бир кишига ўз фуқаролик позициясини мақсадли равишда кўрсатиб бериш имкониятини, унга танлаш эркинлигини яратиш берди (радио ва телеканаллар, газета, журналлар ва ҳоказо). Буларнинг барчаси ҳаётимизда юзага келаётган муаммоли вазиятларнинг жамият муҳокамасига олиб чиқиши билан боғлиқ. Уларнинг ечим топиш жараёни эса сиёсий воқеаларни янада фаоллаштиради. «Сиёсий қарорлар қабул қилишда оммавий ахборотнинг роли ортиб бораётганлиги сабабли сиёсий соҳа жамият томонидан кўпроқ назорат қилинадиган бўлиб қолди», деб ҳисоблайди А.Ш.Садриев. Сўнги бир неча йил ичида бундай ҳолатларга тез-тез дуч келмоқда. Жамият ва шахснинг давлат идоралари билан ўзаро таъсири жараёнида юқори технологияларнинг ўрни салмоқли даражага етди. Ушбу ҳодиса давлат органлари томонидан онлайн хизматларни яратишда намоён бўлди. Масалан, жарималарни аниқлаш ва жўнатиш бўйича онлайн хизматлар, мол-мулкни гаровга қўйиш тўғрисидаги маълумотлар ва бошқалар. Буларнинг барчаси мамлакатимизда «Электрон ҳукумат» тизими орқали иш олиб борилаётганидан далолат беради. 2015 йил юртимизда «Электрон ҳукумат тўғрисида» [6] ги қонун қабул қилинди. Умуман олганда, электрон ҳукумат рақамли технологиялар, интернет ва замонавий оммавий ахборот воситалари асосида давлат хизматларини тақдим қилиш жараёни ҳисобланади. Электрон ҳукумат аҳоли, тадбиркорлар ва давлат органларига кўрсатилаётган давлат хизматлари тизимини осонлаштиради, фуқаролар учун қўшимча имконият яратади. Бу эса уларнинг технологик янгиликлардан хабардорлигини ошириш билан бир қаторда давлат бошқарувидаги иштирокини ҳам осонлаштиради. «Электрон ҳукумат» тушунчаси [1990 йиллар](#) бошида пайдо бўлган. Амалиётга эса сўнги йилларда татбиқ қилина

бошлади. Электрон ҳукуматнинг энг муҳим тизимларидан бири бўлган ягона интерактив давлат хизматлари портали – «www.my.gov.uz» ишга туширилган. Порталнинг шиори: «Хизматлар янги қиёфада» деб номланиб, унинг маъноси виртуал реаллик таъсирида вужудга келган реал вақт режимида фойдаланувчи учун интерактив давлат хизматларини ягона нуқта орқали тақдим этишни англатади. Маълумот тариқасида, бугунги кунда портал орқали фойдаланувчиларга 220 дан ортиқ хизматлар тақдим қилинди. Мазкур тизим асоси бўлган халқ қабулхоналари электрон тизим сифатида ташкил этилиши фуқароларнинг ўз муаммоларини юқори даражада билдиришларига имконият вазифасини бажармоқда, бу ҳозирги кунда ўз натижасини бермоқда. Энди эса виртуал реалликни жамиятимизнинг турли соҳалар доирасида татбиқ этилиш динамикасини кўздан кечираемиз.

Иқтисодда виртуал технологиялар қўлланилишининг энг ёрқин мисоллари интернет маконида юзага келади. Ҳозирда глобал тармоқда жуда кўп сонли жаҳон ва минтақавий савдо майдонлари яратилган. Масалан, AliExpress, Amazon, Alibaba, Avito, Ebay, Ozone ва бошқалар. Шу билан бирга, мамлакатимизда глобал савдо-сотик амалиётининг кўринишлари сифатида: ZoodMall онлайн-электрон майдончаси, турли савдо-сотик операцияларини амалга ошириш имконини берувчи Olx онлайн бозорларини келтириб ўтиш зарур. Ушбу хизматлардан фойдаланган ҳолда деярли ҳар қандай маҳсулотни, уйингиздан чиқмасдан топишингиз, харид қилишингиз ёки сотишингиз мумкин. Бундай ҳолда, сотувчи ва харидорнинг жойлашув макони унчалик ҳам муҳим эмас. Шуни таъкидлаш керакки, Visa, MasterCard, PayPal ва бошқалар махсус яратилган электрон виртуал тўлов тизимлари бўлиб, онлайн харидлар, асосан улар орқали амалга оширилади. Улар ёрдамисиз бу жараён имконсиз бўлади. Дунё иқтисодиётининг рақамли иқтисодиётга аста-секинлик билан ўтиб бориши виртуал реаллик кўмаги билан амалга ошмоқда. Виртуал реаллик муҳитида ривожланаётган рақамли иқтисодиёт ҳақида фикр юритилар экан, у, асосан, инсонлар ҳаёт тарзини бирмунча енгиллаштирувчи соҳа сифатида хизмат қиляпти, деган хулосага келамиз. Ижтимоий-иқтисодий соҳадаги анъанавий ёндашувни йўқ қиладиган технологияларнинг асосий муваффақияти одамларнинг компьютердан олдинги даврнинг бир хиллик занжиридан чиқишга бўлган истаги билан боғлиқ, деб ҳисобланади.

МУҲОКАМА. Виртуал реаллик ижтимоий соҳани ҳам ўз таъсир доирасига олиб улгурди. Мазкур интеграция жараёнига нафақат таълим тизими, тиббиёт соҳаси, балки бошқа йўналишлар ҳам жалб қилинган. Айни пайтда, адабиёт, тарих, фалсафа ва бошқа гуманитар фанларни ўрганишда ёрдам берадиган кўп сонли мультимедия мажмуалари яратилмоқда. Ўз устида мунтазам ишловчи ҳар бир ўқитувчи заҳирасида ҳозирда аудио ва визуал таркибга эга бўлган ўндан ортиқ мультимедия тақдимотлари мавжуд, десак адашмаймиз. Сабаб объектив вақтда реал воқеаларни виртуал ўрганишнинг самараси юқори. Ҳатто, таълим олувчилар билан бирга ҳеч қаерни тарк этмасдан экскурсиялар ўтказиш имконият мавжудлиги ҳам жуда қувонарли ҳол. Буларнинг барчаси нафақат таълим жараёнини амалга оширишга, балки дунё ҳақидаги билимларни фундаментал қилишга имкон беради. Бугунга қадар юртимизда аҳолига ижтимоий хизмат кўрсатиш шахобчалари интернет тармоғига улангани, бу кўрсаткич жадаллик билан ўсиб бораётгани ҳам ижобий статистика ҳисобланади. Шу каби вазифаларни назарда тутган ҳолда мамлакатимизда «Рақамли Ўзбекистон – 2030» стратегияси тасдиқланди[7], кибержиноятларнинг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг «Киберхавфсизлик тўғрисида» [8] ги Қонуни кучга кирди. Кибертеррорчилик – махсус хакерлик дастурлари орқали компьютер бошқарув тармоқларини эгаллаб олиш, вируслар ёрдамида компьютер тармоғини ишдан чиқариш. Бугунги кунда мазкур тушунча ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги кўп турдаги жиноятларни ўзида бирлаштирган. Кибержиноятчилилик нафақат фуқаролар ёки ташкилотлар, балки иқтисодиётнинг муҳим тармоқларини тўлиқ компьютерлаштирган ҳар қандай давлатнинг миллий хавфсизлигига бевосита таҳдиддир. Шу маънода, Ўзбекистон ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида халқаро хавфсизлик тизимига Марказий Осиёда биринчи бўлиб қўшилгани диққатга сазовор.

ХУЛОСА:Шундай экан, ҳозирги даврда кибертерроризм хавфининг олдини олиш мақсадида ёшлар орасида ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш маданиятини ўргатиш бўйича туркум ишларни ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

Адабиётлар рўйхати

1. Ревякина И.А. Информатизация общества как феномен культуры. Автореф. ранд. философ. наук: 24.00.04. – М.: 1999, - С. 26.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 25.01.2020. Электрон манба: <http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020>
3. Buechner J. Fictional Entities and Augmented Reality: A Metaphysical Impossibility Result. Journal of Evolution and Technology. 2011. Vol. 22. Iss. 1. – P. 53-72
4. Путилин А.Б. Континуальные системы обработки информации. – Москва: Квадрат 2005. – С 156 .
5. Хайдарова А.Х. Виртуал фуқаролик жамияти концепциясининг фалсафий мезонлари. ЎЗМУ хабарлари. – Тошкент, 2022. – № 1 – Б. 186-189.
6. Ўзбекистон Республикасининг «Электрон ҳукумат тўғрисида»ги Қонуни. Электрон манба: <https://lex.uz/acts/-2833860>
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Рақамли Ўзбекистон — 2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони. Электрон манба: <https://lex.uz/docs/5030957>
8. Ўзбекистон Республикасининг «Киберхавфсизлик тўғрисида»ги қонуни. Электрон манба: <https://lex.uz/docs/5960604>